



O'zbekiston «Adolat»  
sotsial-demokratik  
partiyasi

Inson manfaatlarini — oliy qadriyat

# ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2021-YIL 9-IYUL, JUMA

№ 28 (1345)

info@adolatgzt.uz  
www.adolatgzt.uz  
www.adolat.uz  
adolatgzt-95@mail.ru  
t.me/Gazeta\_Adolat



Фракция йиғилиши

## ЁШЛАР ИҚТИДОРИ - ВАТАН ИФТИХОРИ

Хар қандай мамлакатнинг келажаги ёш авлоднинг қомил тарбияси ва изчил тараққиёти билан ҳамбарчас боғлиқ. Барча ривожланган давлат ва жамиятларда ёшлар сийёсати давлат тараққиётининг давомийлигини таъминловчи асосий куч бўлиб хизмат қилган.

## ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНМАДИ

Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қонунлар ва қарорлар қабул қилиш ошқоралик, жиддий таҳлил, тадқиқ асосида амалга ошириладигани ҳеч кимга сир эмас. “Адолат” социал-демократик партияси фракциясининг жиддий эътирозлари сабаб “Ижтимоий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси муҳокамаларидан ўтмади. Уни қайта ишлаш учун масъул қўмитага ҳавола қилинди.

Хўш, нега “Ижтимоий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонун лойиҳаси жиддий эътирозларга сабаб бўлди?

Бугуннинг гапи

## 5000 СЎМ УЧУН

Куни кечагина юксак минбарларда тиббиёт ходимлари оқ халатли халоскорларга қиёсланган бўлса, бугун қилдан қийиқ ахтариб, уларнинг юзага лой чаплана бошланса, буни қандай изоҳлаш мумкин? Аслида гап нимада эканини билмасдан, моҳиятини англамасдан туриб, “Қашқадарёда бемордан 5000 сўм сўраган фельдшер ишдан бўшатилди”, деб ижтимоий тармоқлар орқали жар солиниши ҳам инсофдан эмас. Бундан қўзланган мақсад нима? Тиббиёт ходими шаънини ерга уришни?

Шу ўринда шов-шувга сабаб бўлган нохуш воқеага аниқлик киритиб ўтамиз. Жорий йилнинг 24 июнь куни Чироқчи туманида истикомат қилаётган фуқаро туман тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликлар шифохонасига мурожаат қилади. Шифохона кундузги муолажа фельдшери Ф.А. фуқародан касаллик тарихи дафтари очиш учун 5000 сўм сўраган. Шундан сўнг бу ҳақдаги хабар ижтимоий тармоқларда тарқалди. Туман юқумли касалликлар шифохонаси раҳбарининг 2021 йил 1 июлдаги буйруғи билан саломатлик посбони Ф.А. ишдан бўшатилган, у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган.

Хўш, бўлиб ўтган нохуш ҳолатга тўғри ёндашилганми? Биз ушбу кун-

гилсиз воқеани партияимиз фаоллари, депутатларимиз иштирокида ўрганиб чиқдик. Хурматли юртдошлар, қуйидаги ҳаётий масалаларга эътибор қаратишингизни сўраймиз. **Туман юқумли касалликлар шифохонасида тиббиёт ходимлари билан юзма-юз мулоқот ўтказганимизда, беморларга касаллик тарихи дафтари очиш учун мутасадди ташкилот, аниқроқ айтадиган бўлсак, туман тиббиёт бирлашмаси томонидан маблағ ажратилмаслиги маълум бўлди.** Шундай экан, ўзингиз мулоҳаза қилиб кўринг, шифокорлар касаллик тарихи очиш учун махсус варақани канцелярия дўконидан ўз маблағига сотиб олиб бера олмайди, беморларга айтишга

мажбур. Туман тиббиёт бирлашмасидаги мутасаддилар даволаш профилактика муассасаларини нима сабабдан зарур қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар, канцелярия товарлари билан таъминламагани эса бизга қоронғи. Умуман олганда, Президентимиз қайта-қайта таъкидлаётганидек, соғлиқни сақлаш тизимига аҳолига бепул тиббий хизмат кўрсатиш учун ажратилаётган маблағ қанча кетаяпти? Уртада миллионлаб, миллиардлаб маблағларни талон-тарож қилаётганлар четда қолиб, ҳақиқатан ҳам, берган пулига касаллик тарихи варақасини ўша беморнинг ўзи учун сотиб оладиган тиббиёт ходими ишдан бўшатилиши мантиқан тўғрими?

Бизнинг назаримизда, Чироқчи тумани тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликлар шифохонаси кундузги муолажа фельдшери Ф.А. ноҳақ ишдан бўшатилган. Ахир инсон тақдири уйинчоқ эмас-ку? Энди фельдшер Ф.А. нинг оиласи, фарзандлари ҳақида ким қайғуради? Аниқроғи, уларни ким боқади? Шу ўринда бир партиядошимизнинг сўзларини келтириб ўтаман. Унинг ай-

**Р.С. Чироқчи тумани тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликлар шифохонаси фельдшери Ф.А. касаллик тарихи дафтари очиш учун фуқародан 5000 сўм сўраганини ҳеч ким инкор этмайди. У қайси бир маънода айбдор, лекин ишдан бўшатилганидан даражада эмаслиги кундай равшан бўлиб турибди. Дарвоқе, бугун кўчадаги тиланчига 5 минг сўм берсангиз, у сизга норози қараб қўяди. Давлат бюджетидан ажратилган миллионлаб, миллиардлаб маблағларни ўзлаштириб юборётган амалдорларнинг қилмиши ва оддий фельдшернинг зарурат юзасидан 5 минг сўм сўрагани ўртасида осмон билан ерча фарқ бор. Демак, у ишга қайта тикланса, мақсадга мувофиқ бўларди.**

тишига қараганда, жорий йилнинг июнь ойи бошида Қашқадарё вилоятининг туманларидан биридаги тиббиёт бирлашмасига қарашли физиотерапия бўлимида даволанган. Энг ачинарли томони, спирт ёки бошқа зарарсизлантирувчи воситалар билан ишлов берилмасдан битта тиббиёт асбоби 15-20 нафаргача беморга ишлатилаётган экан. Партиядошимиз эътироз билдириб, ушбу асбобдаги микроб ва вирусларни зарарсизлантириб, сўнгра ишлатишни ҳамширадан илтимос қилганида, у “Бизга пахта ҳам, спирт ҳам, зарарсизлантирувчи бошқа воситалар ҳам берилмайди” деб очигини айтиб қўя қолибди. Бугунги кунда касалхоналарда кузатилаётган реал вазият ҳам аслида шу. Бундан асло кўз юмиб бўлмайди.

Биз юқоридаги масалага бир томонлама ёндашмасдан, муолажа фельдшери Ф.А. нинг ҳам сўзларини тинглаш зарур, деб ҳисоблаймиз. Назаримизда, Чироқчи тумани тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликлар шифохонаси маъмурияти шошма-шошарлик билан йўл тутган. Шунинг учун ҳечдан кўра, кеч бўлса ҳам Ф.А.ни ўз иш ўрнига тиклаш керак. Ана шунда адолат қарор топади.

Бугун барча жабҳада қонун устуворлигига эришиш учун ҳаракат қилаёلمиз. Буни Чироқчи тумани тиббиёт бирлашмаси масъуллари ҳам унуттишга ҳақи йўқ.

**Руиддин РАУПОВ,**  
Қашқадарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати

Муносабат

## ХАВОТИРГА ЎРИН ЙЎҚ

вакцина  
саломатлигингиз  
кафолати

Коронавирус касаллиги инсониятни қайта-қайта синновдан, текширувдан, кўриқдан утказиб қўлдан, назаримизда, ҳар биримиз, ҳар дақиқада яшаш учун имтиҳон топшираётганга ўхшаймиз. Ўз ҳаётимиз, фарзандларимиз, яқинларимиз ҳаёти гаровга қўйилганлиги эртанги кунга бўлган ишонччи гоҳ сўндириб, гоҳ яна алангалатиб, танлов чиптасини ҳам қўлимизга бергандек.

Маълумки, бугун мамлакатимизда коронавирусга қарши вакцинанинг у ёки бу тури билан эмланган аҳолининг ҳиссаси тобора ошиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Рақамларга мурожаат қилсак, бугунги кунга қадар Буюк Британияда – 66 фоиз, Италияда – 57 фоиз, Германия ва АҚШда – 55 фоиз, Францияда – 52 фоиз, Хитой ва Туркияда 43 фоизга яқин аҳоли коронавирусга қарши эмланди.

Биз ҳам шахсан давлатимиз раҳбари ташаббуси билан фуқароларимизни ҳимоя қилиш мақсадида энг ишончли ва энг сифатли вакцина олиб келинаётганини тўғри англашимиз зарур.

**ШУ МАҚСАДДА “АДОЛАТ” СДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ АҲОЛИГА МУРОЖААТ БИЛАН ЧИКИШДИ.**

## ЕР АЖРАТИШДА ЯГОНА ШАХС ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИ ТУГАТИЛАДИ



2

## ЙЎЛАКДАГИ РЕКЛАМА

бундан  
кимга фойда,  
кимга зиён?

6

## Сурхондарёда 109 ТУП ҚИММАТБАҲО ДАРАХТ

ноқонуний  
кесиби ташланди



6

3





КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА МУҲИМ ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ: 10 ТА ЭНГ АСОСИЙ ЎЗГАРИШЛАР

Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этиш, бошқарувда коррупциявий омиллари кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтиришга оид Президент Фармони ва Қарори қабул қилинди

ФАРМОНГА КЎРА:

2021–2022 йилларга мўлжалланган Коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастури тасдиқланди

ЭНДИЛИКДА:

- 1 Барча давлат органларида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилади
2 Давлат хизматчилари, ташкилотлари раҳбарлари ва ўринбосарлари, уларнинг турмуш ўртоғи, воёга етмаган фарзандларининг даромадлари ва мол-мулкни мажбурий декларация қилиш тизими жорий этилади
3 Жиноят кодексига даромадлар ва мол-мулкни декларациялаш жараёнида аниқланган ноқонуний бойлик орттирганлик учун жавобгарлик ўрнатилади
4 "Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш тўғрисида"ги Қонун ишлаб чиқилади
5 Давлат органлари ва ташкилотларида ишга қабул қилиш очик танлов асосида амалга оширилади ва Интернет орқали трансляция қилинади
6 "Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очик электрон реестри" юритилади
7 Давлат хизматчиларига республика ҳудудидан ташқарида ҳисобрақамлар очиш, нақд пул маблағларини сақлаш, кўчмас ва бошқа мол-мулкка эга бўлиш тақиқланади
8 Ҳар йил якуни бўйича барча давлат органларидаги коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини баҳоловчи рейтинг эълон қилинади
9 "Коррупциявий хавфларни баҳолаш электрон тизими" ишга туширилади
10 Давлат хизматчиларининг Одоб-ахлоқ кодекси қабул қилинади

Депутатлик гуруҳларида

Маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш ишларини кучайтириш мақсадида сўнгги 5 йил мобайнида ички ишлар органларининг қўйин бўғинлари мустаҳкамланди.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Аҳамиятлиси, ички ишлар органлари ўз хизмат фаолиятини парламент ва жамоатчилик назорати остида олиб бориши белгиланди. Яъни, ички ишлар вазирлиги Сенатга йилда икки мартаба ахборот бериши, ҳудудий ички ишлар органлари бошлиқлари халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ҳар чоракда, туман-шаҳар ИИБ бошлиқларининг ёшлар бўйича ўринбосарлари халқ депутатлари шаҳар, туман Кенгашларига, профилактика инспекторлари эса маҳалла аҳолисига ҳар ойда ҳисобот бериб бориши йўлга қўйилди.

Юзма-юз мулоқот

МУРОЖААТЛАР ҚОҒОЗДА ҚОЛИБ КЕТМАДИ

Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Сирдарё вилоят ва Оқолтин тумани кенгаши томонидан сайловчилар билан яккама-якка мулоқотни кучайтириш мақсадида партия фаоллари ҳамда депутатларидан иборат ишчи гуруҳи тузилди.



Маълум бўлишича, "Маърифат" кўчаси 4/18-уйда яшовчи Фотима Мамажоновна оилавий шароитига кўра кўмакка муҳтожлиги сабабли 2021 йил апрель ойида маҳаллага моддий ёрдам нафақаси олишни сўраб ҳужжат топширган экан. Афсуски, май ойида моддий ёрдам пули фуқароларга берилганда, Ф.Мамажоновна рўйхатда бўлмаган. Ушбу мурожаат юзасидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Оқолтин туман бўлими бошлиғи О.Қириқовга 18-Ғўзаллик сайлов округидан сайланган депутат Жаҳонгир Каримов томонидан депутатлик сўровига юборилди.

Жиноятга жазо муқаррар

КАЛТАК — ТАРБИЯМИ



2021 йил 30 март куни жиноят ишлари бўйича Олмасор туман судининг очик суд мажлиси биносида воёга етмаган жабрланувчилар Ҳасан ва Ҳусан Ҳусанбоев(исм-фамилиялар ўзгартирилган-тахририят)лар ҳамда уларнинг қонуний вакиллари иштирокида Рустам Раҳмон ўғлига оид жиноят иши кўриб чиқилди.

қўра уларнинг фарзандларига ўз уйи ертўласида диний таълимдан сабоқ бера бошлайди. Холбуки, мамлакатимизда ҳам ёшларнинг таълим олиши, турли тилларни ўрганиши учун барча имкониятлар яратилган. Илм соҳибларини ҳаммаша устоз дея алқашади, уларга ҳурмату эҳтиром кўрсатилади. Шу боисдан муаммо Рустам Раҳмон ўғлининг ўз уйида сабоқ бергани эмас, ўзи таъкидлаганидек, бу "саовоби иш"ни ноқонуний тарзда амалга оширилгандадир. Айниқса, 2020 йил баҳорги пандемия даврида юртимизда карантин чоралари кучайтирилиб, масофавий таълимга ўтилганда, Рустам Раҳмон ўғлидан сабоқ олишни хоҳловчилар сонини янада кўпайди. Тезда унинг "овозаси" маҳаллалар бўйлаб тарқалди. Бунга эшитиб, фарзандларининг исломий таълим олишини хоҳловчилар орасида Раҳмат Фаниевлар оиласи ҳам бор эди. Р.Фаниевнинг ўзи Имом Бухорий номли масжидда ноиб бўлиб ишлагани учун ўғлиларининг ҳам Қуръондан сабоқ олишини ўстаб, 2020 йил март ойининг ўрталарида икки фарзандини ҳам Р.Раҳмон ўғлининг қўлига топширади. Улар уйнинг подвали (ертўласи)даги 20 тача боланинг сафига қўшилиб, шу ертўлада ётиб, араб тилини ўргана бошлашади. Албатта, у ерда қаттиқ тартиб ўрнатилган бўлиб, бошқаларга қараганда ёши каттароқ бўлган шу ерда таҳсил олаётган болалардан Мирзо Қодиров ва Аҳмад Азимовлар устознинг ёрдамчилари саналар, уларга итоат этмаган болаларни жазолаш, яъни тартибга каҳририш ҳуқуқи берилган эди. Айрим пайтлари болалар кечқурун ухلامасдан гаплашиб ётганлари учун ҳам улардан калтак еишишарди. Тергов жараёнида Рустам Раҳмон ўғлининг уйига ўрнатилган ва айнан болалар яшайдиган хонадаги видео кузатув камераси хотирасида ёзиб олинган тасвирлар кўздан кечирилганда, уларнинг Алижон исмли ёш болани урмоқчи бўлиб қўриқтгани ҳамда Фозилхон ва Мирмуҳаммад исмли ёш болаларни ита-либ юборгани ва тепган ҳаракатлари қайд этилган видеолар муҳрлангани бунинг яққол далилидир.

Махфийрат ХУДОЙБЕРДИЕВА, Сирдарё вилоят кенгаши матбуот котиби

Мансур ЎРАЗБОЕВ, халқ депутатлари Амударё туман Кенгашидаги "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи раҳбари

матга қолиб жазоланганлари, танаси суяк-суягигача зирқираб ориши бир ёну эртасига устоз уларни ўқитишдан бош тортиб уйларига ҳайдагани бир ён... Онаси болаларининг қийинини алмаштираётганида таналарида жараҳат борлигини, баданлари моматалоқ бўлиб кетганини кўриб қолади. Сабабини сўраганида устози уларни ноҳақ урганини айтишди. Она фарзандларининг танасини кўздан кечириб, уларнинг орқа, елка, бел, сон соҳаларида шафқатсизлик билан калтаклаш изларини кўриб, бу ҳақда ички ишлар ходимларига мурожаат қилади. Шундан сўнггина судланувчи уларни асоссиз урганини тан олиб, кечирим сўрайди. Рустам Раҳмон ўғлининг олий маълумоти борлиги ҳақидаги дипломага эгалиги, Қорилар мусобақасида олий ўринни эгаллагани унинг билимли йигит эканидан далолат беради, аммо бу онгу шури оппоқ қоғоздек тоза бўлган, дунёни катталарнинг, устозларнинг сўзи ва кўзи орқали кўрайдиган болаларга тажрибали устозларнинг назоратисиз уйда дарс бериш имконини бермайди ҳамда илмий ва ҳаётий тажрибанинг ҳам ўрнини боса олмайди. Унинг болаларга бўлган ваҳшийларча муносабати ва унинг аянчли якуни эса бунинг яққол далилидир. Жабрланган болаларнинг ота-оналари, яқинлари Рустам Раҳмон ўғли фарзандларини 2 марта саваляганини, мунтазам тарзда бу ишни қилганини, хатосини тушунганини, қилмишидан пушаймонлигини инобатга олиб, даввоси йўқлиги, жазо тайинлаш масаласини эса суднинг эътиборига ҳавола қилишлари ҳақида кўрсатма беришиди.

Суд қонун доирасида ўз ҳукмини чиқарди. Ҳали 24 ёшга ҳам тулмаган, ўз соҳасида чуқур ва мустаҳкам билимга эга йигит бир йил озодликдан маҳрум қилинди. 3 йил илгари унинг ютугидан фахрланган ота-онаси ва маҳалладошларининг осмонга етган бошлари бугун ерга эгилди. Ота-оналар ўз фарзандларини унга ўхшагани ҳавас қилиб, унинг қўлида таҳсил олишини қанчалик хоҳлаган бўлсалар, бугун аксинча... Агар болаларни қўриқиб, калтаклаб таъбир жоиз бўлса — "тарбиялаш" давом эттирилганда нима бўларди? Қанчадан-қанча болалар билим оламани деб жоҳил, маънавий мажруҳ инсон бўлиб қолмасмиди?! Бу биргина ўйланмай қилинган иш тўғрисидадир. Агар шундай иқтидорли йигит билимини ертўладаги болаларга эмас, синфхоналардаги тўғаракларда, ўкув марказларида сабоқ олаётган болаларга берганида борми, ўзининг ҳам, яқинларининг ҳам, ўқувчиларининг ҳам юзлари ёруғ, қаддилари тик бўлган бўлар эди.

Зафар БОБОНОВ, Жиноят ишлари бўйича Олмасор туман суди раиси, Саодат МАТЯҚУБ ҚИЗИ, "Adolat" мухбири



Диққат, янги рукн: Сиз қандай изоҳлайсиз?



Сурхондарёда ҚИММАТБАҲО ДАРАХТНОҚОНУНИЙ КЕСИБ ТАШЛАНДИ

109 ТУП

Шубҳасиз, бу ўтган ҳафтанинг энг шов-шувли хабари бўлди.

Сурхондарё вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофиза қилиш бошқармаси Деновда кесилган дарахтлар бўйича муносабат билдирди. Унда ёзилмишча, Деновда 857 ТУП дарахт туман ҳокимлиги рухсати билан кесилган ва ўсимлик дунёсига 329 МИЛЛИОН СЎМ зарар етказилган.

Маълум қилинишича, Сурхондарё вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофиза қилиш бошқармаси инспекторлари Деновда дарахтларнинг оммавий тарзда кесилиши ҳолатини жойига чиқиб ўрганган.

Урганиш давомида «Денов туман йўллардан фойдаланиш УК»нинг участка бўлими бошлиғи Ж.Ф. томонидан 109 ТУП қимматбаҳо дарахт рухсатномасиз кесиб ташлангани аниқланган.

Қайд этилишича, мазкур ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, Ж.Ф. га нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 79-моддаси 1-қисми билан маъмурий баённома расмийлаштирилган. Ҳуқуқбузарга нисбатан БҲМнинг 10 баробари (2 245 000 сўм) миқдо-

рида жарима солинган. Ж.Ф. томонидан ўсимлик дунёсига 329 МИЛЛИОН 157 МИНГ СЎМ зарар етказилгани аниқланган. Ҳозирда жарима ва ўсимлик дунёсига етказилган зарарни ундириш чоралари кўрилмоқда.

Шу билан биргаликда, «Денов туман йўллардан фойдаланиш УК»га ҳар бир кесилган дарахтлар ўрнига 100 донадан, жами 10 900 дона қимматбаҳо дарахт кўчатлари экиш ва 3 йил давомида экилган кўчатларни парвариш қилиш ҳақида кўрсатма берилган.

БИР ОЙ АВВАЛ

Тошкент вилоятида дарахтлар ноқонуний кесилди, табиатга 1,1 миллиард сўм зарар етказилди, деган хабар тарқалган эди.

Тошкент вилоятининг маъмурий маркази Нурафшон шаҳрида ҳар хил турдаги манзарали дарахтлар кесилганлиги аниқланди, деб хабар берди давлат экология қўмитаси.

Шу йилнинг 6 июль куни Тошкент вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофиза қилиш бошқармаси давлат инспекторлари томонидан олиб борилган тезкор рейд давомида Тошкент вилояти Нурафшон шаҳри «Қорасув» маҳалласи, Тошкент йўли кўчаси, 4Р-2 автомобиль йўли-

нинг Тўйтепа текстил фабрикасигача бўлган қисмида жами 37 ТУП ҳар хил турдаги манзарали дарахтлар кесиб ташлангани аниқланган.

Натижада, «Ўсимлик дунёсини муҳофиза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 37 ва 45-моддалари талаблари бузилган, ўсимлик дунёсига 1,1 МИЛЛИАРД СЎМ зарар етказилган.

Ҳолат юзасидан қонунбузарларга нисбатан қонуний чора кўриш ҳамда етказилган зарарни ундириш мақсадида тушунтилган ҳужжатлар прокуратура органларига юборилди, дейилди Давлат экология қўмитаси хабарида.

БУНДАН ҲАМ АВВАЛРОҚ

Бекободда ҳовлиси ёнидаги 2 туп чинорни кесган оила 131 миллион сўм зарарни тўлаши кераклиги ҳақида хабарлар тарқалган эди...

Энди учта ҳолат бўйича ноқонуний кесилган дарахтларнинг сонини, қонунбузарларга белгиланган жарима суммасини ҳисоблаб чиқинг. Биз ўзи ўни ёнидаги (балки ота-боболари экандир) 2 туп чинорни кесган фуқарога 131 миллион сўм, 109 туп қимматбаҳо дарахтни кесган ташкилотга 329 миллион 157 миңг сўм жарима белгиланишида бирон-бир мантқиқ кўрмадик...

Ёки бизда оддий фуқароларга бошқа қонун, корхоналарга бошқа қонун ишлайдими? Изоҳ сиздан, азиз муштарий.

Стресс ҳар доим салбий оқибатларга олиб келади. Уйқусизлик, хавотирланиш ортиши ва асабийлашни кўзгатади. Стрессдан кейин одамларда кўпинча турли касалликлар пайдо бўлади ва умуман олганда, саломатлик ёмонлашади. Шу боисдан стрессни тўғри бартараф эта олишни билиш жуда муҳимдир.

Мутлолаа —

СТРЕССДАН ХАЛОС БЎЛИШНИНГ ОДДИЙ УСУЛИ

инфаркт ва инсульт хавфини эса 40 фоизга камайтиради



Яқинда олимлар қандай омиллар стрессдан ҳалос бўлишга кўмаклашиши ва умрни узайтиришни аниқлаш бўйича узоқ давом этган тадқиқотни якунлашди.

Америкалик бир гуруҳ экспертлар ўн икки йил мабойида кенг қўламли тадқиқот ўтказишди. Эксперимент доирасида стрессни самарали енгиллаштириш учун ҳар қуни бадий адабиёт ўқиш кераклигини аниқлашга муваффақ бўлишди.

Ижобий натижа ҳар қуни 30 дақиқа давомида китоб ўқиган ҳолатдагина бўлади. Шу йўл билан ўзини руҳий жиҳатдан ҳис этишни яхшилаш ва бир қатор касалликлар хавфини камайтириш мумкин.

Олимларнинг фикрига кўра, мутлолаа орқали вақтни ўтказиш инфаркт, шунингдек, инсульт ривожланиши хавфини 40 фоизга камайтиради. Агар очик ҳавода китоб ўқилса, бунинг самараси янада ортади. Шунда юқоридаги хавф 68 фоизга камаюди. Китоблар одамларга тоза ҳавода одатдаги сайр қилишга қараганда кучлироқ таъсир кўрсатади.


Шунингдек, мунтазам китоб ўқиш кексаликда ақл заифлашиши эҳтимолини камайтиради. Уйқусизликдан азият чекадиган одамлар учун китоб ўқиш алоҳида фойдали бўлиб, тезроқ ухлашга кўмаклашади.

Электрон кўринишдаги китоблар оммалашиб бораётганига қарамасдан, босма нашрлар ҳали ҳам юқори баҳоланади. Қўлаб одамлар учун қозғоли китобни қўлда ушлаш ва айнан уни ўқиш психологик жиҳатдан жуда ёқимли.

Таъкидлаш жоизки, бадий адабиёт тасаввурни ривожлантиришга, салбий фикрлардан чалғитишга ёрдам беради ва, албатта, саводхонликни, хусусан, сўз бойлигини оширади.

Section titled 'Хаёт ҳақиқати' (Reality of life) with a photo of an elderly man and text discussing the value of mobile phones and communication.

Main advertisement for 'Йўлакдаги РЕКЛАМА' (Billboard advertising) with a large pink title and a question: 'бундан кимга фойда, кимга зиён?' (Benefit to whom, harm to whom?).



Йўловчилар учун энг қулай жамоат транспорти ҳисобланган метрополитеннинг "Новза" бекатидан чиқиб, "Оқтепа" мавзеси томонга бораверсангиз, қаршингиздан дастлаб кўзойнак тақиб олган соҳибжамол аёл тасвири чиқади, уни айланиб ўтишингиз билан эса "скидки 50%" ёзувиға кўзингиз тушади, кўйлақ сотиб олмоқчи бўлсангиз, марҳамат!

Киллари (савдо дўкони, маиший хизмат кўрсатиш ёки умумий овқатланиш шохобчаси ва ҳоказо) қўлаётган ноанъанавий усуллардан бири эканига шубҳа йўқ. Нимаям дердик, улардан баъзи биллари изланиб, вақтини йўқотмасдан, ўйланиб, бошини оғритмасдан бу борада синондан ўтган маркетинг намунасини кўчириб олиб, амалга таъбиқ этаётганини табиий ҳол, деб билишади.

ЭЪЛОН 1989 йил 31 декабрда Тошкент шаҳрида туғилган Юлдошева Муборак Қобиловнага 2005 йилда 111-мактабнинг 9-синфини тугатганига ҳақида берилган № U-1546191 рақамли шаходатнома йўқолганлиги тўғрисида БЕКБОР ҚИЛИНАДИ.

нерлари банд этган, йўллар четига, ҳатто йўлакларга автомобиллар қўйиб ташланган бўлса, йўловчилар қаердан ҳаракатланади? "Ҳой, баракка топкур, машинангни, реклама тахтангни йўлакка қўйма. Ахир бу жой одамлар ўтиши учун ажратилган-ку", деб жанжаллашиш керакми? Бутун дунёда ҳайдовчилардан талаб қилинадиган биринчи қоида — транспорт воситасини белгиланган жойга қўйиш ва қўйганда ҳам тўғри қўйиш. Бу талабни бажармаганлар эса, ҳеч шубҳасиз, жаримага тортилади.